



# АЛИШЕР НАВОЙ ВА XXI АСР

Халқаро илмий-назарий анжуман  
Тошкент, 2019 йил, 9 февраль

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлиги  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети

«АЛИШЕР НАВОИЙ  
ва XXI АСР»

мавзуидаги халқаро илмий-назарий  
анжумани материаллари

Тошкент – 2019

## V. АДАБИЙ ТАЪСИР ВА САНЪАТ МАСАЛАЛАРИ

### V. LITERARY IMPACT, LITERATURE STUDIES AND ART

<i>Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ.</i> Ҳусрав Дехлавий ва Алишер Навоий ижодида комиллик фазилатлари.....	257
<i>Қосимжон СОДИҚОВ.</i> “Кутадғу билиг”да кечган туркий басмала ва Навоий ижоди.....	259
<i>Зоҳид ИСЛОМОВ.</i> Ўзбек навоийшунослигининг буюк дарғаси.....	262
<i>Ahmet Karaman.</i> Ali şirnevâî'nin on iki mukam'daki şiirleri üzerine.....	263
<i>Иқболой АДИЗОВА.</i> Ижодий мактаб сабоқлари.....	269
<i>Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА.</i> Навоийшунос олима.....	271
<i>Акрам ДЕҲҶОНОВ.</i> Мұхаййир шеъриятида Алишер Навоий Анъаналари.....	274
<i>Абдулла УЛУГОВ.</i> Шайхзода – навоийшунос.....	277
<i>Фарида КАРИМОВА.</i> Фузулий форсча девони дебочасининг навоиёна мазмун-мундарижаси ва адабий-эстетик хусусиятлари.....	282
<i>Улугбек ҲАМДАМОВ.</i> Навоий ва Шевченко: ҳаёт ва ижодларидаги муштарак жиҳатлар хусусида....	285
<i>Мұхаммад ЯҚУБ ҚАРАШ.</i> Алишер Навоий ва Амир Ҳусрав Дехлавий.....	287
<i>Гулбаҳор АШУРОВА.</i> Навоий образи ва эстетик мезонларнинг янгиланиши.....	290
<i>Бадия МУҲИДДИНОВА.</i> Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий хамсаларининг иккинчи достонларида Ширин тимсоли тасвирида ғоявий-бадиий маҳорат масалалари.....	294
<i>Қўлдош ПАРДАЕВ.</i> Навоий маҳоратининг Муқимий ижодий камолотидаги ўрни.....	298
<i>Гульжигит СОРОНКУЛОВ, Гульжсан АБЫКАНОВА.</i> Алишер Навои, а не Гафиз.....	301
<i>Турсунжон КАРИМОВА, Равшан УСАНОВ, Сайджон ҚОРИХОНОВ.</i> Алишер навоий ижодидаги улуғвор дўстликнинг яқин қўшни давлатлар матбуотида инъикос этиш масалалари.....	305
<i>Шаҳноза КАРИМОВА.</i> Алишер Навоий ижодининг усмонли адабиётига таъсири.....	309
<i>Умедулло МАҲМУДОВ.</i> Алишер Навоий ва Абдуллоҳ Марворид.....	312
<i>Шаҳло ҲОЖИЕВА.</i> Навоийона тимсолларнинг Чўлпон шеъриятидаги синтези.....	315
<i>Элмурод НАСРУЛЛАЕВ.</i> XX аср шеъриятида Навоий сиймоси талқини.....	319
<i>Розия ХАБОХУНОВА.</i> Академик Азиз Қаюмовнинг “Хамса” тадқиқига ёндашув мезонлари.....	324

## VI. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

### VI. ALISHER NAVAI'S WORK AND LINGUISTICS.

<i>Зулхумор ХОЛМАНОВА, Наргиза БЕКМУҲАМЕДОВА.</i>	
Алишер Навоининг лингвистик қарашлари.....	327
<i>Гульзада СТАНАЛИЕВА, Усманалы ТУЛНОВ.</i>	
Алишер Навои и проблемы развития тюркских языков.....	330
<i>Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ.</i> Алишер Навоий асарлари тилида сингармонизм ҳодисасининг бузилиши ҳақидаги фикрлар ва уларнинг илдизлари хусусида.....	334
<i>Эржан ЎМИРБАЕВ, Элмира АДИЛБЕКОВА.</i>	
“Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг аҳамияти ва асаддаги парча сўзлар.....	339
<i>Алишер АХРОРОВ.</i> Алишер Навоининг мақол ва афоризмлари хусусида.....	343
<i>Носиржон УЛУҚОВ, Камола ҲАМИДОВА.</i>	
Алишер Навоий асарларида топонимик вариантдорлик.....	347
<i>С.М. ЮБУРОВА.</i> Языковое мастерство Алишера Навои.....	350
<i>Акмалхон АКМАЛХОНОВ.</i> Ибн Абу Бакр Саккокий ва Алишер Навоининг арабча феъл боби ҳақидаги қарашлари.....	354
<i>Таваккал ЧОРИЕВ.</i> Жомий ва Навоий лирикасида “хусн” ва “зебо” лексемаларининг луғавий-услубий жилолари.....	357
<i>Аманулла МУРАТКУЛОВ.</i> Алишер Навоий асарларида араб ва форс сўзларининг қўлланиши.....	361

# АКАДЕМИК АЗИЗ ҚАЮМОВНИНГ “ХАМСА” ТАДҚИҚИГА ЁНДАШУВ МЕЗОНЛАРИ

Розия ХАБОХУНОВА

АнДУ

(Ўзбекистон)

Атоқли олимларнинг илмий методларини, муайян адабий манбани тадқиқ қилиш усуллари-ни ўрганиш икки жиҳатдан, айниқса, аҳамиятли. Биринчидан, бу катта тажрибага эга олимнинг тадқиқот обьектига ёндашув мезонларини, тадқиқ усулларини ўрганиш имконини берса, иккинчидан, илмга кириб келаётган ёш изланувчиларнинг устоз олимлар илмий лабораториясига чукур кириши, ундан сабоқ олишлари учун бениҳоя зарурдир. Академик Азиз Қаюмовнинг “Хамса” тадқиқига ёндашув мезонларини ўрганиш шу жиҳатдан муҳим эканини таъкидлаш зарур.

Азиз Қаюмов тадқиқотларида бир вақтнинг ўзида бир неча илмий методлардан самарали фойдаланилиши ҳолати кузатилади. Олимнинг “Хамса” достонларига доир беш тадқиқотида бу хусусият яққол намоён бўлган. Ушбу мақолада икки илмий метод – герменевтик ва социологик методларнинг “Хамса” достонларига доир олим тадқиқотларида тутган ўрни масаласига тўхталамиз.

**Герменевтик метод.** Мумтоз адабий манбаларни, жумладан буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарлари моҳиятини герменевтика (шарҳлаш, талқин этиш) воситасида кенг оммага тушунтириш XX аср охири – XXI аср бошлари навоийшунослигининг ютуғини таъминлаган асосий омиллардан бўлганини эътироф этиш керак. Академик Азиз Қаюмов тадқиқотлари ана шу жиҳатдан катта илмий-назарий аҳамиятга эга. Азиз Қаюмов буюк мутафаккир Алишер Навоий “Хамса”сининг ҳар бешала достони бўйича бешта тадқиқот яратди. 1975-1985 йилларда яратилган бу тадқиқотлар “Ҳайрат ул-аброр талқини”, “Фарҳод ва Ширин” сирлари, “Лайли ва Мажнун”, “Етти саёҳатчи”, “Садди Искандарий” номлари билан нашр этилди. Кейинчалик илмий таҳрирдан ўtkазилиб, тўлдирилган ва қайта ишланган ҳолда олимнинг ўн жилдлик “Асарлар”ига киритилди.

“Хамса” достонларини тадқиқ қиласр экан, олим улардан ҳар бирининг кўллёзма манбалари, рус тилига таржималари ҳақида муфассал маълумот беради. Буюк бешлик бўйича ўзигача яратилган энг муҳим тадқиқотларга таҳлилий муносабат билдиради. Ҳар бир достонни чукур таҳлил этади, аҳамиятли илмий-назарий хуносалар чиқаради. Модомики, герменевтика “тушуниш назарияси, матнни талқин қилиш тамойиллари ҳақидаги таълимот” [7.82] экан, Азиз Қаюмовнинг Алишер Навоий “Хамса”сига доир тадқиқотлари бу таълимотнинг ўзбек адабиётшунослигига татбиқ этилишидаги ўзига хос юкори натижага сифатида баҳоланишга муносибdir.

“Хамса” достонлари муқаддимасидаги ҳамд, муножот ва наътлар бир қанча олимлар томонидан таҳлил қилинган. Азиз Қаюмов талқинининг афзаллиги шундаки, у ҳар бир боб моҳиятини ифодалаган шоҳбайтларни саралаб олади. Мазкур байтлар таҳлили орқали ҳар бир бобни фалсафий мазмун ва поэтик шакл ўйғунлиги жиҳатидан тадқиқ қиласди. “Хамса” достонлари композицияси, сюжети ҳамда бадииятига доир илмий-назарий кузатишларини билдиради.

Мумтоз адабиёт намуналари оид тадқиқотларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатади, герменевтика – талқин илми нуқтаи назаридан олимлар икки тоифага бўлинади. Биринчи тоифа тадқиқотчиларнинг илмий ишлари фақат тор доирадаги мутахассислар учун мўлжалланади. Улар бошқа оддий одамлар тушуниши қийин бўлган илмий истилоҳларни кўпроқ кўллайди, тадқиқотларининг ифода усули ҳам бирқадар ёки бутунлай мураккаб экани билан ажralиб туради. Натижада уларнинг асарларини кенг омма тушуна олмайди. Иккинчи тоифа олимлар ҳар қандай мураккаб илмий талқинларни ҳам барчага тушунарли услугда ифода этади. Уларнинг асарларида илмий ҳақиқатлар қалб қўри билан баён қилинади. Шунинг учун бундай олимларнинг фикрлари ўкувчи кўнглига кучлироқ таъсир кўрсатади, узоқ вақт ёддан чиқмайди. Академик Азиз Қаюмов ана шу иккинчи тоифа олимлар сирасига киради. Шунинг учун ҳам унинг асарларидаги талқинлар илм аҳли ва омма тарафидан бирдай қабул қилинади. Ҳамма учун тушунарли тил ва услугда ифодалангани учун олимнинг фикрларидан жамиятнинг ҳар бир аъзоси баҳра ола билади. Ўз навбатида, ана шу герменевтик ёндашув замирида ифодаланган илмий ҳақиқатлар боисбу асарлар илм аҳли учун ҳам манфаатлидир.

“Ҳайрат ул-аброр” талқини” монографиясини олим 1977 йилда ёзиб тугаллаган. Достон таҳлилига киришар экан, олим ўзининг илмий мақсадини куйидаги изҳор этади: “Ҳайрат ул-а-

брор”нинг мазмуни, ундаги фикр ва ғоялар, образ ва персонажлар таҳлилига маҳсус бағишиланган тадқиқот яратилган эмас. Маҳсус асарлар ҳозиргача фақат “Ҳайрат ул-аброр”нинг айрим нашрларига ёзилган сўз боши ёки сўнгги сўздан иборат бўлиб келди. Қўлингиздаги китоб ўзбек адабиётшунослигидаги ана шу етишмовчиликни тўлдиришга қаратилган уринишнинг бир натижасидир” [3.9,10] Ҳақиқатан, бу монография “Ҳайрат ул-аброр” таҳлилига маҳсус бағишиланган биринчи тадқиқот эди. Асар боблари монографияда: “Навоий “Ҳамса”сининг биринчи достони”, “Ҳайрат ул-аброр”нинг муқаддимаси”, “Устозлар мадҳи”, “Сўз ва кўнгил”, “Уч ҳайрат”, “Мақолалар”, “Султонлар зикрида”, “Риёи хирқапўшлар”, зулмпеша амалдорлар”, “Жаҳл майига нафрат”, “Инсоний фазилатлар хазинаси”, “Одами эрсанг демагил одами, оники йўқ ҳалқ ғамидин ғами”, “Афлок ҳайъатидан шикоятлар”, “Умр фасллари”, “Ҳаёт қадри”, “Ватан мадҳияси”, “Турмуш ва ижод” сингари сарлавҳаларда таҳлилга тортилган. Шунинг ўзиёк кўрсатиб турибди, олим асарни тўлиқ ва муфассал тадқиқ қиласди. Достондаги бирор масала йўқки, тадқиқотчининг назаридан четда қолган бўлсин. Шу маънода, ушбу монографияни “Ҳамса”нинг биринчи достонига герменевтик ёндашувнинг ilk натижаси сифатида баҳолаш мумкин ва у навоийшуносликда кутилганидан ҳам кучлироқ акс садо берди.

Устоз олим томонидан яратилган “Ҳамса”нинг кейинги достонларига оид тадқиқотларда ҳам ана шу мезонга қатъий амал қилинган. “Фарҳод ва Ширин” сирлари монографиясида олим достон муқаддимасида муаллифнинг ижодий концепцияси қандай акс этгани масаласига эътибор қаратади. “Муқаддимада, – деб ёзади олим, – Навоий ўз достонининг сарлавҳасини билдиради, ўқувчи ни достон персонажлари билан таништиради. Фарҳоднинг пўлод тешаси тўғрисида сўз юритади. Булар ҳаммаси достон мазмуни, унинг асосий йўналиши ва бўлаклари шоир томонидан олдиндан пухта ўйлаб олинганини кўрсатиб туради” [5.148].

Қалам васфига доир боб таҳлили, айниқса, теран. Олим достоннинг ёзилишига сабаб бўлган икки омилни ажратиб кўрсатади: 1) шоир кўнглидаги шу асарни яратиш орзуси; 2) буюк мутафаккирнинг ўз севги қисмати ва унинг аламлари.

Олим Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”ини Низомий, Хусрав Дехлавий ва Ашрафнинг шу мавзудаги достонлари билан қиёслайди. Хусрав Дехлавий достони Кўпроқ маъқул келгани учун Навоий ўз асарини шу йўсинда бошлаганини далиллайди. Хоқон, она, Фарҳод, Ширин, Шопур, Хусрав образлари монографияда бирма-бир таҳлил этилган. Бу таҳлиллар олим тадқиқотлари айнан герменевтик ёндашув заминига курилганини кўрсатади. “Ҳамса”нинг кейинги уч достони – “Лайли ва Мажнун”, “Етти саёҳатчи”, “Садди Искандарий” сингари монографиялар тадқиқида ҳам олим герменевтикага асосланади. Ушбу мақолада фикрларимиз дастлабки икки достон асосида далилланди. Кейинги уч достон алоҳида тадқиқотлар учун мавзу бўла олади. Бу тадқиқотларнинг илмий ютуғини таъминлаган назарий омил олимнинг “адабиётшунослик учун муҳим бўлган матнни талқин қилиш (тушуниш) назарияси сифатидаги” [7.82] герменевтикага таянганида кўринади.

Буюк бешликка кирган ҳар бир достонни таҳлил этар экан, олим “Ҳамса”ни яхлит асар сифатида қарайди. Ҳар бир достоннинг ўзига хослигини аниқ мисоллар таҳлили асосида далиллаш баробарида уларнинг “Ҳамса” умумсюжетида тутган ўрни хусусида ҳам чукур илмий-назарий фикрларини билдириб ўтади.

**Социологик метод.** “Бу метод негизида бадиий адабиётга ижтимоий ҳодиса сифатида қарап етакчилик қилиши, адабиётни бу метод воситасида тадқиқ этишда асосан жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларни, маданий мұхит, адабий-тарихий шарт-шароитни инобатга олиш ҳоллари мұхим саналиши” [1.30] маълум. Гарчи адабиётшуносликда “санъат (сўз санъати – Р.Х.) жамият ҳаётининг ўзга жабҳаларидан мустақил бўлиб, ўзига хос хусусиятларга, алоҳида мақсадларга эга” [5.54], эканига доир қарашлар мавжуд бўлса-да, ҳар қандай ижодкор муайян тарихий даврда, маълум бир ижтимоий мұхитда яшайди ва бу ҳол унинг ижодига таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун ҳам Азиз Қаюмов “Ҳамса” тадқиқида социологик методдан самарали фойдаланган.

“Ҳамса”нинг биринчи достонини тадқиқ қилас экан, олим қуйидагича ёзади: “Ҳайрат ул-аброр”да Навоий яшаб ижод этган даврдаги Ҳурросон давлатининг ижтимоий ҳаётига оид лавҳалар кўп учрайди. Агар султон тўғрисида сўзлаганда Навоий эҳтиёткорлик сақлашга мажбур бўлган, ҳар доим танқид объектига Султон Ҳусайн Бойқаронинг алоқаси йўқ эканини қайта-қайта такрорлашга интилган бўлса, энди ўша даврдаги салбий башаралар ва уларнинг тубанликларини фош этишда у ўзини эркин ҳис этади. Шоир қаламининг ўтқир тифи турли-туман ғоратгарлар, қаллоблар ва алдоқчилар, золим амалдорлар ва уларнинг малайлари кўксига бориб санчилади” [4.47]. Олимнинг бу

фикрлари Навоий асарлари мисолида бадий ҳақиқат ҳамда ҳаёт ҳақиқати ўртасидаги муносабатни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Табиийки, бадий асар ҳаёт ҳақиқатининг айни акси бўлиши мумкин эмас. Лекин унинг замирида ҳаёт ҳақиқати туриши, чинакам буюк ижодкор ана шу асосда барча замонларда ҳам инсоният эҳтиёжига бирдай хизмат қила оладиган бадий умумлашмаларга кела олиши ҳам исбот талаб қилмайди.

“Фарҳод ва Ширин” сирлари тадқиқотида олимнинг ёзишича: “Навоий ўзининг ҳар бир фикрини ўзи яшаб турган замон ва муҳит билан боғлиқ равишда ифода қиласа эди” [5.167]. Азиз Қаюмовнинг нуктаи назарича, Навоий достонда Хоқоннинг фарзанд кўришга зор бўлиб чеккан изтиробларини тасвирилац орқали Ҳусайн Бойқарога фарзандсизликнинг укубати оғир эканини уқдирмоқчи бўлади, ўғиллари кўплиги учун шукrona килиб, улар билан тўғри ва соғлом муносабат ўрнатишга чақирмоқни мақсад қиласи. Бу орқали эса, мамлакат ҳалқининг осойишталигини кўзда тутган. Олимнинг бу фикрлари замирида ҳам теран маъно бор. Зоро, Шарқ адабиётининг, жумладан ўзбек мумтоз шеъриятининг асосий хусусиятларидан бири ҳам фикрни асар тагматнида бериш. Ўзга воқелик тўғрисида сўзлай туриб, объектив ҳаёт ҳодисаларига муносабат билдириш. Муайян шахсларга, улар орқали эса жамиятга ойна тутиш. Шахс камолотига, жамият равнақига тўсиқ бўлаётган иллатларни ислоҳ этиш. Чунки Алишер Навоий “...ҳаётини тўлалигича мамлакат равнақи, ҳалқ ва миллатнинг тинч-тотув яшаши ҳамда давлат қудратини мустаҳкамлашга бағишилади” [2.3].

Социологик метод, айникса, олимнинг “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий” достонларига доир тадқиқотларида яқол кўринади. Жумладан, “Етти саёҳатчи” тадқиқотида Азиз Қаюмов иккинчи мусоғир ҳикоятидаги Рум подшоҳи саройидаги фитналар, зулму адоват ҳақидаги тасвиirlар таҳлилидан қуйидаги холосани чиқаради: “Бундай аҳвол Навоий яшаган замонда, хусусан, унинг ўзи мансуб бўлган шоҳ саройи муҳитига ҳам хос кўринишлар эди. Навоий бундай ҳолатни қоралайди; уларнинг тубан ва номуносиблигини кўрсатади. Шоир ўз ҳикояларини замона ва ундаги мавжуд шароит билан боғлаб боради” [5.294].

Олимнинг бу қарашлари “Ҳаёт ҳақиқатининг бадий ҳақиқатга айланиш жараёни, характер ва прототип, тарихий шахс образи ва реал тарихий шахс муносабати каби ижод жараёни билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда социологик ёндашув асос вазифасини ўташи” [7.283] ҳақидаги назарий холосани тасдиқлади.

Азиз Қаюмов “Садди Искандарий” номли тадқиқотида “Хамса”нинг сўнгги достонини тадқиқ қиласа, аксар воқеалар, образларни Навоий ўзи яшаган тарихий-ижтимоий муҳит, замондошлари ҳаёти билан боғлиқ ҳолда талқин этгани хусусида сўз юритади. Тадқиқот жараёнида олим социологик метод имкониятларидан маҳорат билан ўринли фойдаланади. Зоро, “Адабий дурдоналар муайян бир маданий-ижтимоий муҳитда яратилар ва истеъод эгалари маълум бир тарихий даврда ижод киласа, бадий адабиётни ижтимоий-социологик нуктаи назардан ўрганиш, бошқа энг самарали ва замонавий методлар билан ўйғунилди, шунингдек, инсоннинг турмуш тарзи, жамият ҳаётининг турли тамойиллари асосида тадқиқ қилиш ҳоллари ҳам давом этиши табиий” [1.38].

Хамсашунослик бугунги кунда ҳам изчили давом этмоқда. Буюк бешликни ўрганувчи олимларнинг янги авлодлари етишиб келяпти. Келар замон хамсашунослари тадқиқот жараёнига янги давр талабларига мос илмий методларни татбиқ этишлари мумкин ва шундай бўлиши ҳам керак. Бирор академик Азиз Қаюмовдай олимларнинг “Хамса”га ва умуман Алишер навоий ижодига илмий ёндашув мезонлари замонлар ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотмайди. Олимларнинг янги авлодлари учун ҳам маҳорат мактаби вазифасини ўтайверади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Т.: Мұхаррір, 2011.
2. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Академнашр, 2011.
3. Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1999.
4. Қаюмов А. “Ҳайрат ул-абброр” талқини. Асарлар. 1-жислд, 1-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2008.
5. Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари. Асарлар. 1-жислд, 1-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2008
6. Қаюмов А. Етти саёҳатчи. /Асарлар. 1-жислд, 2-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2008
7. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Т.: Академнашр, 2010.